*Касаба уюшмалари муаммолари*

# АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРСИЗ ИШЛАШ
## сабаблари ва сабоқлари

**Республикамизда янги иқтисодий шароитларга ўтилиши янгича меҳнат муносабатларини юзага келтирмоқда. Демакки, касаба уюшмалар ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жойларда битимлар, жамоа шартномалари тузилмоқда. Бутун жамоалар корхона, ташкилот, турли муассасалар билан бундай ҳужжатларни ташкил этишни касаба уюшмалари зиммасига юкламоқда. Масъулиятни яхши тушунган республика тармоқ касаба уюшмалари ҳам асосий эътиборни меҳнаткашларни ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашга қаратмоқда. Шубҳасиз, мазкур ҳимоянинг асосида касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг тармоқлар билан тузаётган битимлари ва жойлардаги жамоа шартномалари туради.**

Тармоқ касаба уюшмаси ўзининг ҳимоя фаолиятини амалга оширар экан, иш берувчи билан музокараларда битим ва жамоа шартномалари орқали ходимлар учун катта ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Шу жумладан, қонунчиликда кўрсатилган имтиёз ва кафолатларга нисбатан қўшимча ва оширилган ҳимоялар яратмоқда. Бу ҳақда жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1996-1998 йиллар битимлари ва жамоа шартномаларида барча ходимлар учун асосий меҳнат таътили 18 иш кунидан кўп қилиб белгиланган. Корхоналарда бир кундан етти кунгача қўшимча таътиллар жорий этилган. Шунингдек, тармоқ ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори қонунда кўрсатилганидан кўпроқ қилиб белгиланган. Оғир, зарарли меҳнат шароитларида ишловчилар маошларига товон пуллар қўшилган, пенсияга яқин ёшдаги ходимларни ишдан бўшатмаслик ҳимояси белгиланган. Ишлаб чиқаришда шикастланган ишчи-хизматчиларга, боқувчисини йўқотган оилаларга бир йўла нафақа миқдорлари анча оширилган.

Умуман, битимларда ҳимоя воситаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йилнинг ярим йиллигида ҳар бир ишчи-хизматчига ижтимоий-иқтисодий ёрдам бериш учун сарфлар Тошкент вилоятида 3580 сўмни, Бухоро вилоятида 4810 сўмни, Тошкент шаҳрида 5973 сўмни, Наманган вилоятида 10047 сўмни, «Қизилқумцемент» кичик корхонаси ҳиссадорлик жамиятида 14870 сўмни ташкил этди.

Тармоғимизда 1998 йилда санаторий, санаторий-профилакторий, пансионатлар ва дам олиш уйларида 12 минг нафардан кўп ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари соғломлантирилди ва дам олдирилди. Шунингдек, ўтган йили болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида 12 мингга яқин кичкинтойлар ёзги таътилни ўтказдилар.

Тармоқ битимлари ва жамоа шартномаларининг бажарилишини таъминлаб бориш ва умуман меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ва унинг қуйи ташкилотлари эътиборида бўлмоқда. Мунтазам равишда пленумларда, раёсатларда кўриб чиқилмоқда. Камчиликларга нисбатан муросасиз бўлинмоқда. Текширув натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда катта ташкилотчилик қобилиятларини намоён қилмоқдалар. Лекин кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳамма жойда ҳам бу борада тузилган тадбирлар тўла амалга ошириляпти, деб бўлмайди.

Бир қатор жойларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ва юборилган бинокорлик материаллари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаяпти. 1998 йил 1 декабрга тармоқда дебиторлик қарздорлиги 6 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди. Хўш, уни қандай таҳлил этиш ёки оқибатлари ҳақида нима дейиш мумкин? Бу демак, кўпгина корхоналар айланма маблағларсиз ишламоқдалар ва картотекага тушиб қолганлар. Шунинг учун ўз вақтида ишчи-хизматчиларга иш ҳақини бера олмаяптилар, ишлаб чиқаришда шикастланганларга зарур миқдордаги пулларни тўлолмаяптилар, ўз вақтида янги технологиядаги асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар сотиб ололмаяптилар, шунингдек, ижтимоий ҳимоя ҳам орқада қолмоқда. Чунончи, зарур миқдорда махсус иш кийимлари ва якка ҳимоя воситалари учун маблағлар етишмаяпти. Оғир ва зарарли шароитда ишловчиларга сут маҳсулотлари сотиб олиш учун пул етишмайди.

Тўғри, кўпгина жойларда кейинги вақтларда иш ҳақидан қарздорлик бироз камайди. Лекин 1998 йилнинг декабрида бу борадаги қарздорлик бир миллиард сўмдан кўплиги ташвишга солмоқда. Хўжалик органлари ва касаба уюшма қўмиталари бу борада тинмай ишламас эканлар, камчиликларни бартараф этиш қийин бўлади.

Қайси корхона ва ташкилотга борманг меҳнат муҳофазаси бўйича муайян ишлар қилинаётганининг гувоҳи бўласиз. Лекин бу борада камчиликлар кўплигини тан олмасдан илож йўқ. Тармоқда ўзининг меъёрий муддатларини ўтаб бўлган, маънавий эскирган қурилиш машина-механизмлари, транспортлар, технологик ускуналар талай. Демак, ишчи-хизматчилар меҳнат муҳофазаси бўйича қилинадиган ишлар жуда кўп.

Иш жойларини аттестациядан ўтказиш энг муҳим ишларимиздан биридир. Бу иш бажарилмас экан, бахтсиз воқеаларнинг содир бўлиши турган гап. Аввало ўз вақтида иш жойларини аттестациядан ўтказилмаслигининг ўзи қонунбузарликдир, иккинчидан ишчи-хизматчиларни ноқулай иш шароитида ишлаётганлари учун тегишли қўшимча меҳнат таътилидан маҳрум қилади, учинчидан эса маълум тоифада ишловчи ишчи-хизматчиларнинг пенсияга чиқишларида имтиёзлардан маҳрум этади.

Корхона раҳбарларининг масъулиятсизликлари, касаба уюшмалари қўмиталарининг бефарқ қарашлари туфайли ишлаб чиқаришда шикастланган ишчи-хизматчиларга ўз вақтида тўловлар берилмаётганлиги сир эмас. Бу билан меҳнаткашларнинг манфаатларига зид иш тутилмоқда. Мана бир мисол: «Тошмахсуспардозқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси М.Хошимов бир йилдан ошдики, 45-қурилиш бошқармаси ишчилари Л.Златогурская ва А.Мирошникларга ногиронлик нафақаларини тўлаш масаласини ҳал этмаяпти. Маъмурият ишни чўзиб юборганлиги туфайли даъвогарлар Тошкент шаҳар Улуғбек тумани судига мурожаат этдилар. Суд даъвони қониқтириш ҳақида қарор чиқарди ва муддат чўзиб юборилганлиги ҳамда маънавий зарар учун бир йўла нафақа миқдори бир ярим бараварга оширилди. Бу воқеада касаба уюшма қўмитасининг ҳам айби бор. У бошқарув раисидан тўловларни ўз вақтида берилишини талаб қилолмаган.

Яна бир мисолни айтиб ўтиш ўринлидир: «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамияти ҳам қийин молиявий аҳволда. Бу ерда ҳам ишлаб чиқаришда шикастланган иккинчи гуруҳ ногирони Б.Худойбердиевга бир йўла нафақа берилиши керак эди. Тўғри, бу пулни топиш осон бўлмади. Лекин касаба уюшма қўмитаси талабчанлиги ва маъмуриятнинг бу талабга тўғри ёндошиши сабабли бир ойнинг ичида шунча маблағ топилди ва эгасига берилди.

Шуни таъкидлаш керакки, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кўп масалаларни ҳал қилиш корхонанинг моддий аҳволига кўп даражада боғлиқ. Буни тушуниш қийин эмас. Лекин меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқларини камситиш ва имтиёзларини бермаслик тўғри эмас. Айрим корхоналарда иш берувчининг ташаббуси билан қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилади, белгиланганидан кўп даромад солиқлари олиб қолинади, таътил кунлари гоҳида кўп, гоҳида оз берилади.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг бундай бузилишига сабаблардан яна бири касаба уюшма қўмиталари томонидан назоратнинг етишмаслигидир. Шу билан бир қаторда айрим жойларда касаба уюшма етакчилари ва фаоллари билим даражаси шу куннинг талабларига жавоб бермайди. Демак, жойларда касаба уюшма фаоллари ўқувини яхши йўлга қўйишимиз керак. Токи улар қонунларни, тегишли меъёрий ҳужжатларни яхши билсинлар. Тўғри, касаба уюшмаси Марказий қўмитаси жойларда касаба уюшма ташкилотлари ходимларини жамоатчилик асосида ўқувини ташкил этиш ишларини олиб бормоқда. Лекин улар ҳам талабдан бирмунча орқада қолмоқда. Бир қатор касаба уюшма қўмиталарида фаоллар ўқувга яхши жалб этилмаяпти.

Шуни яна бир бор таъкидлашимиз керакки, қонунлар, меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини дуруст билмайдиган ходим ҳеч қачон ишчи ва хизматчилар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини яхши ташкил этишга қодир бўлолмайди.

Бу йил касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланганидек, бутун масалаларни кенг таҳлил қилишимиз, илғор тажрибаларни қўллашимиз, тегишли хулосалар чиқариб олишимиз зарур.

**Ш.ЁҚУБОВ,**
**республика қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси.**

*Халқ таълими ва ижтимоий ҳимоя*

# ЁШЛАР ҚАЛБИДА ҒУРУР

**Тиббиёт, риёзиёт, астрономия каби фанларга асос солган, улкан кашфиётлар қилган буюк Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Ал-Фарғоний каби алломаларнинг авлодлари эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ёшларининг илм чўққиларини эгаллашлари учун беқиёс имкониятлар яратилган.**

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил сентябрда бўлиб ўтган мажлисида Президентимиз ёшлар камолоти масаласига алоҳида эътибор бериб, мактаб ва маориф ишларини яхшилаш борасидаги вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бердилар. «Соғлом авлод» дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» талабларини бажариш мақсадида республикамизнинг ҳар бир туман ва қишлоқларида, шаҳарларида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил қилишга киришилди. Буларнинг барчаси босқичма-босқич рўёбга чиқарилаяпти.

Хўш, таълим-тарбия ва маорифнинг янги тизимга ўтишида Тойлоқ туманида қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?

Туманимизда 52 та мактаб мавжуд бўлиб, афсуски уларнинг 60 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган. Вилоят марказига туташ тумандаги бундай аҳволнинг сабаблари нимада?

Шўролар салтанати даврида мактаб қуриш, ўқувчиларга чуқур билим бериш ишлари оқсагани юқоридаги ҳолатнинг сабабларидан бири десак хато қилмаймиз. Эндиликда Мустақиллик шарофати билан халқ таълимининг барча соҳаси - мактаб ва болалар боғчаларида таълим-тарбия ишлари янгича талаблар асосида ташкил этиляпти. Туманда кейинги 3 йил ичида 4 та мактаб учун янги бино қурилиб, ишга туширилди. Айни кунларда яна 4 та мактаб биноси бунёд этиляпти. Таълим жараёнини компьютерлаштириш билан биргаликда Халқ таълими вазирлиги тавсияси билан мактабларда 23 фан бўйича тажриба-синов майдончалари ташкил этилди. Ўқитувчиларнинг ишга муносабати, ўқувчиларнинг қизиқиши, жамоатчиликнинг мактабга бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда. Бунинг яна бир муҳим сабаби бор. 1997 йил сентябридан бошлаб ҳар ойнинг учинчи сешанбаси туманда «Таълим куни» деб эълон қилинган. Шу куни туман ва ташкилотлар раҳбарлари ўзларига бириктирилган мактабларга бориб учрашувлар, мулоқотлар ўтказадилар. Энг асосийси бу учрашувлар натижасида мактабнинг бирор муаммосини ҳал этишга эришилади.

Мактаб, маорифни қўллаб-қувватлаш соҳасида туманда яна бир ибратли тадбирга қўл урилди. Ғалладан бўшаган майдонлардан ҳар мактабга бир гектар, ҳар бир ўқитувчи оиласи эҳтиёжига яраша ер ажратилади. Бу ижтимоий ҳимояни кучайтиришда, моддий кўмак беришда жуда қўл келаяпти. Лекин шунга қарамасдан, мактабларимизнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланишга муҳтожлигини яширмаслик зарур.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда иқтидорли ўқувчилар ҳукуматимиз томонидан ҳам, турли жамғармалар томонидан ҳам қўллаб-қувватланаяпти. Бугунги кунда туманимиздан бир ўқувчи АҚШда таҳсил кўрмоқда.

**Я.ҲАМДАМОВ,**
**Тойлоқ туман халқ таълими бўлими мудири.**

# OLAMDA NIMA GAP

**В И Л Н Ю С. Литва президенти Валдас Адамкус амалий ташриф билан Францияга келди. Ташриф давомида у Франция Президенти Жак Ширак, сенат ҳамда миллий ассамблея раҳбарлари билан учрашади. Музокараларда икки мамлакатнинг ҳамкорлик алоқалари ва Литванинг Европа Иттифоқи ҳамда НАТОга аъзолиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.**

**В.Адамкус сафарнинг иккинчи кунида Страсбургга бориб, Европа кенгаши Бош котиби Даниел Таршис билан учрашади ва Европа кенгаши парламентлар ассамблеяси сессиясида нутқ сўзлайди.**

**Литва Президенти Франция сафаридан сўнг Белгияга ҳам ташриф буюради.**

* * *

Б Р Ю С С Е Л. Белгияда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бошланди. Унда жорий йилнинг 18 февралига мўлжалланган ЕИ-Россия саммитига тайёргарлик, Косово воқеалари, ЕИга янги аъзоларни қабул қилиш, шунингдек, ташкилотнинг 2000 йил учун кун тартиби дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

* * *

**С И Д Н Е Й. Дунёнинг 25 мамлакати вакилларидан иборат тадқиқотчилар гуруҳи Антарктидага йўл олди. Улар «абадий музликлар ватани» муаммоларига бағишланган халқаро анжуманда иштирок этиш учун АҚШнинг ушбу қитъадаги Мак-Мердо станциясига ташриф буюради. Тадбирда иштирокчилар Антарктида экологияси ҳамда иқлимининг ўзгариши, қитъанинг денгиз заҳираларидан фойдаланиш ва уларни браконерлардан муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларига эътибор қаратади.**

* * *

К И Е В. Буюк Британия ҳукумати «Кнов Хов» жамғармаси дастури доирасида Украинага 30 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.

Жамғарма дастурида кўрсатилишича, бу маблағ қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика, ижтимоий ҳимоя, шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун сарфланади. Буюк Британиянинг мазкур жамғармаси Марказий ҳамда Шарқий Европа мамлакатларига демократик ислоҳотлар ўтказиш ва бозор иқтисодига ўтишда кўмаклашиш мақсадида 1990 йилда ташкил қилинган.

* * *

**С Я Н Г А Н. Гонконг полиция маҳкамаси ходимлари Ҳиндистон, Покистон ва айрим Африка мамлакатларидан оролга ноқонуний равишда кириб келган 35 нафар муҳожирни ҳибсга олди.**

**Маҳаллий радионинг хабар беришича, қурувчилар ётоқхоналарида яшовчи 600 нафарга яқин хорижий фуқаронинг ҳужжатлари текширувдан ўтказилган. Натижада 26 нафар эркак ва 9 аёл ҳужжатсиз ёки қалбаки паспорт билан яшаётгани аниқланган. Улар яқин кунларда ўз ватанларига қайтариб юборилади.**

* * *

П Е К И Н. Хитойда мансабдор шахсларнинг қонунбузарликларига қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Ғуандун вилоятидаги нефтни қайта ишлаш заводи директорининг ўринбосари Юан Манчжун «қора олтин» контрабандаси билан шуғуллангани учун саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, суд айбдорга 15 миллион юан /1,8 миллион АҚШ долларига тенг/ миқдорида жарима ҳам солди.

Хитой жанубида «Гуандуннинг нефт қироли» деган ном билан машҳур бўлган икки мансабдор Го Цзайфу ва Го Ганфу эса тергов органлари томонидан қидирилмоқда.

* * *

**Н А Й Р О Б И. Анголада ҳукумат қўшинлари билан мухолифатдаги қуролли тузилмалар ўртасидаги тўқнашувлар ҳамон давом этаётир. Куни кеча Сауримо ва Луэна шаҳарларини боғловчи автомобил йўлида «Унита» исёнчи гуруҳлари ҳарбийлар кетаётган икки автомобилни ўққа тутди. Натижада 30 дан ортиқ ҳарбий ҳалок бўлди.**

**Анголанинг шарқий вилоятларидаги баъзи туманлар ҳамон исёнчилар назорати остида қолаётир. Маълумки, ўтган декабр ойида мамлакатда фуқаролар уруши қайта бошлангач, вазият янада кескинлашиб кетди.**

**Ангола ҳукумати Замбия, Руанда, Уганда, Буркина-Фасо ва Того давлатларини «Унита» исёнчиларига кўмак бераётганликда айбламоқда.**

* * *

Т О К И О. Япония Бош вазири Кэйдзо Обути Шимолий Корея раҳбариятини Пхеньяндан 100 километр узоқликда жойлашган ерости иншоотини текширишга рухсат беришга чақирди. АҚШ, Япония ва Жанубий Корея ҳукуматлари вакилларининг фикрича, бу иншоотда ядро қуроли яратиш бўйича иш олиб борилаётган бўлиши мумкин.

Маълумки, яқинда Женевада бўлиб ўтган АҚШ-КХДР музокаралари Шимолий Кореянинг ерости иншоотларини халқаро назоратчилар томонидан текшириш масаласида бирор бир ижобий натижага олиб келмаган эди.

**/ЎзА/**

OLAMDA NIMA GAP

# МИРИШКОР ТАШАББУСИ

Зарбдор тумани хўжаликларида 600 гектардан зиёд боғлар бўлиб, туманда меваларни қайта ишлаш корхонаси йўқлиги сабабли ҳар йили етиштириладиган мўл ҳосилнинг бир қисми нобуд бўларди.

Таниқли тадбиркор Яшин Абдуллаев бу йилдан бошлаб ана шу нобудгарчиликка барҳам берадиган бўлди. У яқинда давлатдан олган 300 минг доллар кредитини сарфлаб, Германиянинг «Тиссе» фирмасидан соатига минг шиша шарбат, 200 шартли банка повидло ишлаб чиқарадиган дастгоҳ ва ускуналар сотиб олди.

Тадбиркор ўз кичик корхонасини Наврўз байрамигача ишга туширмоқчи.

**Ж. КЕЛДИЁРОВ**



**Самарқандда Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқа драма театри солисти Баҳодир Жўрабоев ижоди билан таниш бўлмаганлар жуда кам бўлса керак. Уни ҳақли равишда ўзбек балетининг қалдирғоч ижодкорларидан деб аташ мумкин.**

**Баҳодир Жўрабоев ижоди халқаро миқёсдаги нуфузли конкурсларда ҳам ўзининг муносиб баҳосини олган. У ўз ижроси билан Италия кинофестивали лауреати, Венеция кинофестивали мукофоти соҳиби бўлган.**

**Айни дамларда санъат устаси ўзининг жонажон театрида фаолият кўрсатиш билан бир қаторда Самарқанддаги иккита мактабда балет синфлари очиб, болаларга балетдан илк сабоқларини бериш ташаббуси билан банд.**

**Суратда: Б.Жўрабоев Самарқанд вилоят мусиқали драма театри ёш санъаткорлари билан машғулот пайтида.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Қонун ижроси билан кучли*

# МАҲАЛЛА - КАТТА МАКТАБ

Халқимизда Ватан маҳалладан бошланади, деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Бугунга келиб маҳаллаларнинг инсонни камолотга етказиш, ижтимоий ҳимоялаш борасидаги роли ошди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилояти бўлимининг раиси И. Жумаев мухбиримизга шу хусусда сўзлаб берди.

Инсон маҳалланинг том маънодаги аъзоси сифатида улғаяди. У айнан шу ерда тарбия топади, умуминсоний қадриятлар қадрига етади, миллий анъаналарни ва расм-русумларни улуғлашни, уларни ҳурмат қилишни ўрганади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги Қонунининг эълон қилиниши, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда унинг вилоят, шаҳар ва туманлардаги бўлимлари ташкил этилиши юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳаллаларнинг алоҳида ўрин тутишини исботлаб турибди.

Вилоятимизда 237 та маҳалла ва 121 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчимизки, кўпчилик маҳалла фуқаролар йиғинларида янгича урф-одатлар ва анъаналар борган сари кенг жорий этилмоқда . Масалан: тўй-ҳашамларни ортиқча исрофгарчиликларсиз ўтказиш мақсадида Бухоро шаҳар ҳокимлиги томонидан қабул қилинган қарор Ф.Хўжаев ва Тўқимачилик тумани ҳудудларида жойлашган барча маҳаллаларда изчил амалга оширилаётганининг амалий исботини кўрмоқдамиз.

Кейинги пайтда бўлимимизнинг бошқа жамоат ташкилотлари хусусан, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, жойлардаги хотин-қизлар Кенгашлари билан бирга олиб бораётган ишларида анча жонланишга эришилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги томонидан барча шаҳар ва туманларда маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, банк-молия, меҳнат бошқармалари, ўз-ўзини бошқариш органлари ходимлари иштирокида ҳудудий ўқув семинарлар ўтказилди. Машғулотлар давомида қонунбузарлик ҳолларини олдини олиш аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб этиш масалаларига эътибор берилди. Кўпгина ибратли таклифлар айтилди. Маҳаллаларнинг фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олдилар.

Аёлларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза этиш муаммоларига бағишланган «Аёл, оила ва саломатлик» мавзуидаги конференцияда маҳалла фуқаролари йиғинларининг ўрни ҳақида алоҳида гап борди.

Хуллас, ўтган йил давомида «Оила саломатлиги ва мустаҳкамлиги- ҳаёт негизи», «Маҳалла- тарбия маскани», «Аёл- оила сариштаси ва фариштаси» каби мавзулардаги тадбирлардан катта-ю кичик ўзи учун зарур маслаҳат ва кўникмаларни олдилар. Демак, бугунги кунда ижтимоий-маънавий, марифий, ҳуқуқий, маданий тадбирлар асосан маҳаллаларга кўчмоқда.

Вилоятда тадбирлар билан биргаликда фуқароларни моддий қўллаб- қувватловчи хайрли ишларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоят бўйича биргина ўтган йил давомида юз мингдан кўпроқ кам таъминланган оилага 150 миллион сўмликдан ортиқ, 400 мингдан зиёд оилага 500 миллион сўмлик атрофида моддий ёрдам пуллари ва болалар нафақалари тўланди.

Шаҳар, туманлар ва вилоят миқёсида ўтказилган «Энг ибратли - келинчак», «Энг намунали - оила», «Энг одобли - маҳалла», «Энг ибратли - қишлоқ оиласи» кўрик-танловлари давомида фаол маҳалла, фуқаролар йиғинларининг иши ҳам ўз аксини топди. Ташкилий ишларда алоҳида ўрнак кўрсатган Бухоро шаҳридаги Шергирон, Пиридастгир, С.Баҳорзий, Ибн Сино, Фурқат, Фитрат, Бинокор, Ашрафий, Жўбор маҳаллалари, Шербудун, Отбозор қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Когон туманидаги Ф.Хўжаев, Амир Темур, Навзиробод, Ғиждувон туманидаги Абдухолиқ Ғиждувоний, Гулистон маҳаллалари, Гавшун қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Ромитан туманидаги А.Навоий номли, Бухоро туманидаги Работи Қалмоқ, Юринболо, Шофиркондаги «Саврак», Қоракўлдаги «Зарафшон», Олотдаги «Талқонсайёд» фуқаролар йиғинлари шулар жумласидандир.

«Оила дастури»ни изчил амалга ошираётган «Маҳалла» хайрия жамғармасининг жойлардаги бўлимлари зиммасида ҳозирги пайтда катта вазифалар турибди.Биз яқинда оилалар муаммоларини мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш ташаббуси билан чиқдик. Барча долзарб масалалар вилоят ҳокимлигининг «Оила дастури»да ўз ифодасини топган. Дастурнинг 22 та банди бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари иш фаолиятига тааллуқлидир.

Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, ўтказишга оид Фармони асосида изчил фаолият юритаяпмиз. Жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органларига тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни замон талабларига мос, халқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги намунавийларини жорий этиш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Маҳаллаларнинг ҳурматли оқсоқоллари, зиёлилар, дин аҳллари, тадбиркорлар, маҳаллий ижодкорлар, маданият ва санъат намояндалари бу муҳим ишга жалб этилдилар.

Ҳозирги кунда меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси, ёшлар тарбияси алоҳида диққат марказида бўлаяпти.

**Суҳбатдош: А.ИСТАМОВ.**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ФЕРМЕРЛИК АЁЛЛАРГА ҲАМ ЯРАШАДИ

**Чинни опа чўпонга турмушга чиққанда ўн саккиз яшар қиз эди. Аммо шаддодлиги, ғайрати, шижоати жиҳатидан унча-мунча йигитлардан қолишмасди. Э-ҳе, шундан буён қанча сувлар оқиб кетди. Бу орада улар ўн фарзандли, олти неварали бўлишди. Лекин Чинни опадаги шижоат сўнмади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз мустақил бўлиб, ишбилармонларга кенг йўл очилганида чидаб туролмади:**

- Дадаси, - дейди у бир куни эрига, - ҳукуматимиздан айланай, деҳқон-фермерларга кўп эътибор бераяпти. Биз ҳам деҳқон-фермер хўжалиги тузсак-чи?

- Иби, ўйлаб гапираяпсанми, онаси. Мен бир саводсиз чўпон бўлсам. Сен ҳам ўрта мактабни битиргансан, холос. Бу, деҳқон-фермер хўжалик деганининг ўзи бўлмас-ов. Бунинг учун аллақанча ҳужжатлар керакдир. Майли, ҳужжатларни тўплаб фермер хўжалик туздик ҳам, дейлик. Лекин унинг ҳисоб-китобини ким қилади? Қўй энди, онаси, ортиқча ташвишларни. Бизни чўпон таёғидан қўймасин. Ризқимизни озми-кўпми, еб юрибмиз-ку.

Чинни опа Эргашева ҳам анойилардан эмас. Бир ишни бошладими, охирига етказмай қўймайди. Эрининг у ёғидан ўтди, бу ёғидан ўтди, ётганда ҳам, турганда ҳам шу гапни айтаверди-айтаверди. Хуллас, қулоғини қоқиб қўлига берди. Раҳмон ака охири «майли, тузганимиз бўлсин!» деганини ўзи ҳам билмай қолди.

Шу билан Чинни опани эзгу мақсад йўлидаги ташвишлари бошланди. У елиб-югуриб, барча ҳужжатларни йиғди ва «Рўзи» деҳқон-фермер хўжалигини тузди.

Шундан буён орадан беш йил ўтди. Чинни опа бошлиқ «Рўзи» деҳқон-фермер хўжалиги довруғи Жондор туманидан чиқиб, Бухоро вилоятининг чекка-чекка қишлоқларигача бориб етди.

Ҳозир қарамоғларида 100 гектар ерлари бор. Шу йил 69 гектар майдонига пахта, 21 гектарига буғдой ва яна 10 гектарига беда экишганди. Ҳосил бир бўлиб берди, асти қўяверасиз, режалар ошиб кетди. Чинни опанинг хомчўтларига қараганда бу йил 5 миллион 900 минг сўм атрофида даромад олишлари керак. Олдинги йиллардаги даромадлари ҳисобидан иккита трактор, битта бульдозер ҳам сотиб олишди.

Ишлар ривожланаётгани, даромадлари ошаётганини кўрган яқин атрофдаги қишлоқдошлари ҳам «Рўзи» деҳқон-фермер хўжалигига аъзо бўлишди. Чунки, Чинни опа ўз ишчиларига ҳар ойда олти минг сўм пул бераяпти, бир йилга етадиган буғдой, қолаверса, ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан арзон нархдаги гўшт билан таъминлаб турибди.

Раҳмон аканинг чўпончиликни йиғиштириб қўйганига ҳам анча бўлди. Йўқ, бундай десак унчалик тўғри бўлмас. У эски иши билан «орани очиқ» қилган, ҳозир ўзининг ёрдамчи хўжалигидаги 40 та қорамол ва 30 та қўй парвариши билан банд.

- Шу аёл зотига қойил қолиш керак,- дейди Раҳмон ака,- хотинимнинг тинибтинчимаслиги туфайли биз ҳам мулкдор бўлдик. Еримиз бор, молимиз бор, машинамиз бор... Яхшиям, бундан беш йил муқаддам фермер-хўжалик тузишига рухсат берган эканман. Бўлмаса, юраверарканмиз, пешонамизга ёзилгани шу, чўпон таёғидан айирмасин деб...

Яқинда Жондорга йўлимиз тушувди. Чинни опа билан учрашиб қолдик. Одатдагидай у шошилиб турарди.

- Банкка боряпман, - деди опахон, - ўтган йили гектаридан 60 центнердан пахта етиштирувдик. Ўшанинг пулини пахта трестидагилар ҳали у баҳона, ҳали бу баҳона билан ҳисоб рақамига ўтказишмаяпти. Ўйлаб кўринг, 700 минг сўм пулим ҳаракатсиз ётибди-я!

Чинни опага ўхшаган фидойи аёллар мамлакатимизда бисёр. Зеро, юртбошимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилар эканлар, айнан Чинни опа Эргашева каби ҳалол ва пок, фарзандлари-ю, уй-рўзғор ташвишларидан-да ортиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган мунис ва меҳрибон онажонларимиз фидойилигини назарда тутган бўлсалар ажабмас.

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.**



***Айни қиш фаслида дастурхонингизда ёзнинг сарҳил неъматлари кўзни қувнатиб турганига нима етсин. Бу маҳсулотлар иссиқхоналарда етиштирилганлигини ҳам яхши биласиз. Буни Нишон туманидаги «Дўстлик» жамоа ширкат хўжалигининг Турғун Наманов раҳбарлигидаги иссиқхона жамоаси мисолида ҳам кўриш мумкин.***

***Суратда: иссиқхона ишчиси Ойсифат ая Тожиева.***

**Ш.СУЛТОНОВ** олган сурат.

# Экологик танлов ғолиблари

Мўйноқ туманида Экология ва саломатлик танлови якунланди. Унга кўра ўтган йил давомида атроф-муҳитнинг тозалиги, кўкаламзорлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда ибратли ишларни амалга оширган туман маданият ишлари бўлими ва «Арал балиқшисы» газетаси жамоаси ғолиб деб топилди. Шунингдек, 3-мактаб, 6-болалар боғчаси ўқитувчи ва тарбиячилари иккинчи ўринни эгаллади.

*Билмайин босдим тиконни*

**Ҳаётдан ширин, инсондан азиз нарса йўқ! Аммо мана шу азиз, ҳар лаҳзада ғанимат ва такрорланмас умр онларини бесамар ўтказаётган, жиноятга қўл уриб, охир-оқибатда афсус-надоматлар чекаётган баъзи ёшлар қисмати кишини ғоят ўйлантиради.**

# ВИЖДОН АЗОБИ

- Ёрбол Қоратоев жиноий қилмиши учун судланиб, беш йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Ўн бир ойдан сўнг амнистия туфайли қолган жазо муддатини ўташдан озод этилган. Аммо, бандасига инсоф бермаса қийин экан. Озодликка чиққач, Ёрбол аччиқ сабоқдан хулоса чиқармади. Бирон жойга ишга жойлашмасдан, кунини яна ўғирлик билан ўтказа бошлади. Янгаси У. Қоратоеванинг уйидан уч минг сўмлик молларни ўмариб, пулига маишат қилиб юрди. Ҳолбуки, акаси ва янгаси Ёрболни вақтида кийинтириб, қорнини тўйғазишди, яна ўртоқлари даврасида уялиб қолмасин деб ёнига беш-ўн сўмлаб пул солиб қўйишган. У эса кўрсатилган меҳр-ҳурматга ўғирлик билан жавоб берди. Шу кўйи йигит умрини хазон қилди, қариндош уруғлари, дўстларининг назаридан қолди.

Суҳбатларимиздан бирида ёш ҳуқуқшунос Абдураҳмон Сафоев «ўғирлик молни кўра била туриб арзонлиги учун сотиб олаётганлар ҳам йўқ эмас» — деган эди. Бунга суд амалиётидан мисол келтирди.

Юқори Чирчиқ кўп миллатли туманлардан бири ҳисобланади. Бу ерда аҳоли пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачилик билан бир қаторда деҳқончиликнинг бошқа кўплаб тармоқлари билан ҳам шуғулланишади. Деҳқонларимиз баҳордан далага чиқиб кетганларича уйга кеч қайтадилар. Турган гапки, уларнинг уйларида ёш болалари, оилалари қолишади. Аксарият кундуз кунлари кўпгина хонадонларда ҳеч ким бўлмайди. Ана шу кезда ўғрилар «ов»га чиқишади.

Шундай имкониятдан юқори чирчиқлик Сергей Бадьяров билан Мурод Ибрагимовлар фойдаланиб қолишди. Сергей Бадьяров илгари ҳам судланган. Бир эмас, уч марта. Унга эссиз ёшлик, эссиз умр, дейсиз. Шериги Мурод Ибрагимов эса йигирма саккиз ёшда. Оилалик. Топган дўстини қаранг. Иккиси бир бўлиб фуқароларнинг уйларига ўғирликка тушиш билан шуғулланишган. Қизиғи шундаки, шу туманда яшаб, такси ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган Абдутолиб Бегимқулов деган шахс жиноятчилар олиб келган ўғирланган буюмларни арзон гаровга сотиб олаверган. Шуниси камлик қилгандай, автомашинасида жиноятчиларни айтган жойига элтиб, ўғирланган буюмларни гумдон қилишга ёрдамлашган. Суд икки ўғрига тегишлича жазо тайинлади. Уларнинг ҳамтовоғига айланган А. Бегимқуловга нисбатан ҳам алоҳида ажрим чиқарилди. Мана сизга оқибат? Ўғирлик жиноят эканлигини била туриб, ўз ҳамқишлоқлари, ҳаммаҳаллаларига хиёнат қилиш бундан ортиқ бўлмас.

Судья Абдураҳмон Сафоев меҳр-оқибат ҳақида фикр юритаркан, яна бир қизиқ мисолни келтирди.

- Кекса аёл С. Қодирбоева ўғли А. Қодирбоевни не-не умидлар билан тарбиялаб вояга етказган. Қариганимда суянчиғим бўлади, деб ўйлаган. Афсус, ўғли ишончни, берган оқ сутини оқламади. Онаизор судга ёзган аризасида турмуш ўртоғи 1991 йилда вафот этганлигини, Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги, Болта кўчаси, 48-уй унинг хусусий уйи эканлигини, аммо ўғли ҳар куни маст ҳолда жанжал кўтариб, уни гўшасидан ҳайдаб чиқарганлигини ёзади. Ўғил онасига «агар уйга кирсанг ўлдираман» деб пўписа қилган. Маълум бўлишича, она ўғли ва унинг оиласи учун уч хонали уй қуриб берган. Энди тинчидим деганда мулк можароси қўзғалиб аёл нобакор ўғил томонидан қувилган. Она шу пайтгача қаринлошлариникида яшаб юрган. Суд даъво аризани атрофлича ўрганиб, уни қаноатлантирди. Она уйга киритиб қўйилди. Энди бу ҳақдаги хулосани ўқувчининг ўзи чиқариб олса дегандим.

Шитоб билан умр ўтмоқда. Одамлар руҳиятида, маънавиятида янгича дунё вужудга келаётирки, улар ҳақида фикр юритмай, мулоҳаза қилмай иложингиз йўқ. Кўнгилли воқеалардан баҳра оласиз. Яхши гап эшитсангиз «хайрият, худога шукр» дейсиз. Аммо, бировнинг бошига мусибат ёхуд оилавий ташвиш тушганда кунига ярасангизу, вақти келиб ундан ёмонлик кўрсангиз, бундан ортиқ алам бўлмаса керак.

Альбина Аделгараева Оҳангарон шаҳрида туғилган. Шу шаҳардаги мактаблардан бирида ўқиган, тарбияланган, вояга етган. Дўст-дугоналар орттирган. Кунларнинг бирида дугонаси Ирина уни уйига бошлаб келди.

— Уйимизда ҳеч тинчлик йўқ. Отаонам ичиб келиб мени дўппослашади, — шунинг учун сизларникида вақтинча яшаб турсам майлими? — деди у Иринанинг онаси О. Лазаридига. Она йўқ демади. Альбина Ирина билан бирга яшай бошлади. Дугоналар борини баҳам кўришди. О. Лазариди меҳмонга ўз қизидай муносабатда бўлди. Нон-тузини қизғанмади. Аммо, одамнинг оласи ичида бўлишини ким билибди, дейсиз. Қалтис қадам ташлаётганлигини сезган О. Лазариди Альбинага «сен қизим, яхшиси уйингга бор, ота-онанинг хавотир олмасин» — деб силлиққина жўнатиб юборишга мажбур бўлди. Альбина кетди. Орадан бир ойча вақт ўтгач, Лазаридилар уйини ўмариб кетишди. Ким ўғирликка тушган? Қандай қилиб? Буниси судда маълум бўлди. Альбина Иринани, қолаверса, унинг онасини «ота-онам маст бўлса мени уради, ҳайдаб юборади» деб алдаган экан. У дугонасиникида яшаш жараёнида уйда нима бор-йўқлигини аниқлаб юрган. Сўнг кетган. Вақти келиб, уйда ҳеч ким йўқлигида ўғирликка тушган ва бир қанча қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетган. Ўғирланган буюмлар Альбинанинг уйидан топилди.

- Суднинг қора курсисида бош эгиб ўтирган, баъзан кўз ёш қилиб, ўзини-ўзи қаттиқ айблаётган ёшларни, уларнинг изтиробларини кузатарканман эзилиб кетаман. Афсус, улар бебаҳо, ширин умрини увол қилишди. Энди афсус надоматлар бефойда.

**Нурилла АЛИМОВ, журналист.**

*Миллий дастур амалда*

# Билим олиб, ҳунар ўрганишади

**Бу йил Фарғона шаҳрида 600 ўқувчи ўрнига эга бўлган замонавий академик лицей, ўқувчилар учун 400 ўринли ётоқхона биноси қад ростлайди. Шунингдек, йил давомида айни кунда фаолият кўрсатиб турган иккита ўрта-махсус ўқув юртлари ва касб-ҳунар мактаблари замонавий андозалар асосида қайта таъмирланиб касб-ҳунар коллежларига айлантирилади.**

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашларича, 2005 йилгача вилоят умумтаълим мактаблари 9-синфини 360 минг 900 нафар ўқувчи тамомлайди. Битирувчиларнинг 10 фоизи академик лицейларда, қолганлари касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиради. Шунга мувофиқ, олти йил давомида вилоят шаҳар ва туманларида 15 минг 300 ўқувчи ўрнига эга бўлган 19 та академик лицей ва 109 минг 704 ўқувчи ўрнига эга бўлган 152 та касб-ҳунар коллежи ташкил этилади.

Ҳозирда Фарғона Давлат университети қошида битта академик лицей, Политехника институти базасида саноат-қурилиш касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги ижроси сифатида ташкил этилаётган ушбу билим масканларига ёшларнинг қизиқиши катта. Масалан, Фарғона академик лицейида ўқиш истагини билдирган ҳар тўрт нафар ўқувчининг фақат биттаси тест синовлари асосида танлаб олинди. Бу даргоҳларда билимга чанқоқ, иқтидорли ёшлар ўзлари қизиққан фан йўналишлари бўйича билимларини мустаҳкамлайди. Шу боис барча академик лицейлар Фарғона Давлат Университети, Политехника институти ва Қўқон педагогика институти қошида ташкил этилади. Бу ерда сабоқ олган ёшлар уч йил давомида маълум фан йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлаб борилади.

Миллий дастурга биноан вилоятда 65 та янги касб-ҳунар коллежи қурилади. Қолганлари эса мавжуд касб-ҳунар, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртларининг қайта таъмирланган биноларида фаолият кўрсатади. Касб-ҳунар коллежларининг 147 тасида 30 минг 245 ўринли ётоқхона бинолари ҳам бунёд этилади.

- Ташкил этилган касб-ҳунар коллежларида саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш, коммунал хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, педагогика, иқтисод ва маиший хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаймиз, - дейди Фарғона вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Одилжон Эшонқулов. - Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ҳар бир ҳудуд имконияти ва эҳтиёжларини ўрганган ҳолда жойлаштираяпмиз. Бу борадаги иш кўламларини замон талаблари даражасида ташкил этиш кўп жиҳатдан малакали мутахассисларга боғлиқ. Айни кунда академик лицейларимизга бевосита олий ўқув юртларидаги соҳа мутахассисларини жалб этаётган бўлсак, касб-ҳунар коллежларини илғор, тажрибали ўқитувчиларни танлов асосида саралаб олиш ҳисобига тўлдириб бораяпмиз.

Вилоятда мавжуд академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ҳар томонлама мукаммал жиҳозлаш, ўқув анжомлари билан таъминлаш борасида ҳам зарур ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир академик лицей ва коллежларда замонавий «Айби-эм» компьютерлари, лаборатория жиҳозлари ўрнатилиб, фан хоналарида амалий машғулотлар учун етарли шарт-шароит яратилмоқда. Бинобарин, ушбу масканларга келган ҳар бир ёш пухта билим ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятига эга бўлади.

**Расулжон КАМОЛОВ.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# ИТАЛИЯ ОЛИМИ ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАГАНДА

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши билан қизиқаётган мамлакат ва ташкилотлар сони тобора ортиб бормоқда. Ана шундай нодавлат ташкилотлардан бири Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича ESCAS Европа жамиятидир.

Европа семинари деб юритилган бу ташкилотнинг V конференциясида Ўзбекистондан ЎзФА мухбир аъзоси Раъно Убайдуллаева, иқтисод фанлари докторлари Раимжон Алимов, Саидаҳрор Қосимов, А. Раззоқов каби таниқли олимлар иштирок этишди. Дания пойтахтидаги Копенгаген университетида бўлиб ўтган мазкур анжуманда ўзбекистонлик қатнашчиларнинг таклифи билан семинар жамиятга айлантирилди.

Жамиятнинг VI конференцияси Италиянинг машҳур Венеция шаҳрида бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан юздан ортиқ мутахассислар иштирок этишди. Хусусан, Ўзбекистондан ТДИУ профессорлари Р. Алимов ҳамда А. Раззоқов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг профессори Саидакбар Аъзамхўжаев, Сорос жамғармаси орқали Севара Нурмуҳамедова ўз маърузалари билан қатнашдилар. Анжуман иштирокчиларининг аксарияти жумҳуриятимизда амалга оширилаётган ўзгаришларни мўъжиза деб баҳоладилар.

Олимларимиз маърузаларида Ўзбекистонга хос ва мос йўл танланганлиги, Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида олиб борилаётган одил ва оқил сиёсат ва унинг самаралари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Албатта, конференцияда фоқат ютуқлар ҳақидагина сўз бормади. Бир қанча мамлакат вакиллари ечимини кутаётган муаммолар хусусида гапирдилар.

Конференцияда иштирок этган олим ва мутахассислар Ўзбекистон маданияти, айниқса жадидчилик ҳаракати, янги лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтиш, унинг ижобий томонлари ва баъзи муаммолари устида мунозаралар олиб боришди. Туркиялик дўстларимиз туркий халқларнинг тили ва ёзуви қанчалик бир-бирига яқин бўлса, ўзаро муносабатлар ҳам шунчалик самимий бўлишини қайд этишди.

Анжуман қатнашчиларидан кўпчилигининг ўзбек тилида сўзлашишлари ҳур Ўзбекистонимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг яна бир намунаси бўлди.

**Ф. ҒОЙИБОВ, журналист.**

*Газетхон илтимосига кўра*

***Ҳурматли таҳририят!***

***Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ботаника институти ва Ботаника боғи бирлаштирилиб, ўсимликшунослик бўйича янги илмий ташкилот тузилди. Олимлар ҳамкорликда изланишлар олиб бориб, ўсимликлардан инсон саломатлигига кони фойда бўлган дори-дармонлар тайёрлашмоқда. Шулар ҳақида маълумот берсангиз?***

**Дилором МУСАЕВА, шифокор, Тошкент тумани.**

# САЛОМАТЛИККА КОНИ ФОЙДА

Ботаника институти асосан Ўзбекистон ҳудудидаги табиий ҳолда ўсадиган ўсимликларни комплекс ҳолда кенг ва батафсил ўрганади. Яъни флора ва ўсимликлар қопламини тадқиқ этиш, улардан оқилона фойдаланиш, ноёб ва йўқолиш арафасида турган ўсимликларни муҳофаза қилиш, авайлаб-асраш, қайта тиклаш ва парваришлаш билан шуғулланади.

Ботаника боғи эса ер шарининг турли ҳудудларидан келтирилган ўсимликларни Ўзбекистон шароитида интродукция (янги шароитда экиб кўпайтириш ва иқлимлаштириш) билан шуғулланади. Демак, мақсадлар, вазифалар бир - яъни ўсимликлар дунёси билан «тиллашиш»дир.

Илмий ходимларимиз меҳнати, изланиши боис ботаника институтида Ўрта Осиё мамлакатларининг ўсимлик намуналарини ўзида сақловчи ягона Марказий гербарий ташкил этилган. Уни ботаник олимларимиз томонидан тўпланган илмий хазина десак, муболаға бўлмайди. Чунки, 100 йилдан буён тўпланган гербарий намуналари 1 миллиондан зиёд бўлиб, улар 10 мингдан ортиқ турни ташкил этади.

Ботаника боғида эса беш ярим мингдан зиёд дунёнинг турли ўлкаларидан келтирилган дарахт, бута ва кўп йиллик ўсимликларнинг илмий коллекцияси мавжуд. Бундан ташқари, 1500 дан ортиқ тропик ва субтропик ўсимлик намуналари иссиқхоналарда ва бошқа махсус жойларда ўстирилаяпти.

Ўсимликларнинг хусусиятлари олимларимиз томонидан чуқур ўрганилиб, халқ хўжалигида тадбиқ этилаяпти.

Институтимиз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги фундаментал тадқиқотлар олиб борувчи илмий даргоҳдир. Олимларимиз сув ўтларидан тортиб бир ҳужайрали организмлар, замбуруғлар, папоротниклар ва ниҳоят очиқ ва ёпиқ уруғли ўсимликларнинг барча тури билан шуғулланишаяпти. Масалан, альгология, яъни сув ўтларини ўрганувчилар республикамиз ҳудудида 3 мингдан ортиқ сув ўтлари турлари борлигини аниқлашди.

Хлорелла, дуналелла, спирулена, эвгилена каби ўсимликларни узлуксиз етиштириш технологияси ишлаб чиқилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Бу ўсимликлар оқсилга бой бир ҳужайрали бўлиб, ўта доривorлик хусусиятига эгадирлар. Жумладан, дуналелла ва спирулена таркибида В - каратин мавжуд бўлиб, у рак касаллигини даволашда қўлланилаяпти. Хлорелладан эса чорва ва парранда озуқасида фойдаланилмоқда. Эйхорния, пистия каби сув ўтларидан завод ва фабрикаларнинг ифлосланган заҳарли сувларини тозалашда фойдаланилаяпти. Азолла-Анабена номли сув ўти ҳамда напортник симбиози шоли ҳосилдорлигини оширишда қўл келмоқда.

Хуллас, илмий тадқиқотларимизнинг халқ хўжалигида фойда келтираётганлиги янада иштиёқ билан ишлашга ундайди.

Дори-дармонлар тайёрлашда шифобахш ўсимликларнинг фойдаси каттадир. Институтимизда бу борада ижобий ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, доривор ўсимликларнинг заҳиралари ўрганилиб, уларнинг хариталари тузилади. Шифобахш ўсимликлардан фойдаланган ҳолда жуда кўп доривор препаратлар олимларимиз томонидан тайёрланмоқда.

Масалан Ҳожиматовнинг сафро ҳайдовчи йиғмаси» дориси сариқ касаллигини даволашда қўлланилаяпти. Ҳозир эса гипертония ва диабетга қарши дорилар ишлаб чиқаришга тавсия этилди ва синовлардан ўтди.

Жойларда институтнинг бўлимлари ҳам бор. Бусиз кенг фаолият олиб бориш қийин. Республикамизнинг турли географик ҳудудларида ва экологик шароитларида институтнинг илмий станциялари, стационарлари, таянч нуқталари мавжуд. Аниқ далилларга мурожаат этсак, чўл шароитидаги ўсимликлар оламини ўрганувчи «Қизилқумчўл» халқаро станцияси, тоғ шароитидаги ўсимликлар билан шуғулланувчи «Бўстонлик-тоғ» ботаник стационари, шўр шароитидаги ўсимликларни тадқиқ этувчи «Мирзачўлтаянч», ярим чўл шароитидаги ўсимликларни ўрганувчи «Жиззах» ҳамда Оролнинг қуриган тубидаги ўсимликлар билан қопланишни тадқиқ этувчи «Орол» таянч нуқталари, табиатдаги заҳираси кам, аммо халқ хўжалиги учун ўта фойдали бўлган ёввойи ўсимликларни экинга айлантириш учун тадқиқот ишлари олиб борувчи Тошкент вилоятидаги тажриба доирасида олимларимиз фаоллик кўрсатишаяпти.

Ботаникларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти. Илмий-тадқиқот ишларини юксалтириш аввало шарт-шароитга боғлиқ. Шу боис жамоамиз илмий ходимларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишда бор имкониятлардан фойдаланилаяпти. Ойлик маошга нисбатан мукофот пуллари, ҳар ойда шаҳар транспортидан фойдаланиш учун чипта, экспедиция даврида эса бепул озиқ-овқат, махсус кийимлар, асбоб-ускуналар, транспорт билан таъминланишади. Бундан ташқари, республикамиз олий даргоҳларидан ёш, иқтидорли ботаникларни аспирантурага таклиф этиб, бепул ётоқхона билан таъминлаймиз. Энди шундай савол туғилиши мумкин. Илмий тадқиқот институтининг иқтисодий аҳволи қай йўсинда яхшиланмоқда? Аввало, олимларимиз доимо изланишда. Уларнинг хизматлари туфайли хўжалик шартномалари ҳисобидан, махсус маблағлардан институтимиз ҳисоб-рақамига пул келиб тушаяпти. Бу маблағлардан асосан ижтимоий ҳимоялаш ишларида фойдаланилаяпти.

**Озодбек АШУРМЕТОВ, ЎзФА Ботаника институти ва ботаника боғининг директори, биология фанлари доктори, профессор.**

